



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## Қишлоқ мулкдорлари

### ЎЗ БОҒИНГНИНГ ҲОСИЛИ БОШҚАЧА

**БУГУН** бутун мамлакатимизда ишбилармон аёллар сафи бениҳоя кенгайди. Айниқса, фермерликнинг залворли юкини гарданига олиб, деҳқончиликда ҳам, маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмай, юксак натижаларга эришадиган тadbиркор ола-сингилларимизга кўпчилик ҳавас билан қараб-тир.

Қибрай туманидаги асосан боғдорчиликка ихтисослашган ширкат ҳужалиги тугатилиб, "Қибрай-даврийса" агрофирмасига айлантирилганда Мухаббат Жуманова ҳам ўз омадини фермерликка синаб кўришга аҳд қилди. Ушунда уни танитган билгилар "Кечагина оддий котиба бўлиб юрган ёшгина жувон фермерликни эшлай олармикин?" деб ажабланишган эди.

— Ер эгаси бўлиш менга жуда катта масъулият юклатди, — дейди М. Жуманова. — 5,5 гектар мевали боққа эга бўлган, қишлоқ ҳужалиги, хусусан, боғдорчиликка оид билим ва кўникмаларни эгаллашга киришдим. Тармоқда анча доврўқ қозонган соҳибкорлар, уста боғбонлардан боғдорчилик сир-асорларини ўргандим. Фермерлар учун ташкил этилиб турган махсус ўқув курслари, семинарларга мунтазам қатнадим. Булар соҳага оид қонунчилик, ҳужалиқда иш юритишнинг замонавий усуллари, шартномавий муносабатларга оид тушунчаларимни бойитишда кўл келди.

Дарҳақиқат, интилиш ва

иштиёқ туфайли бугун фермер аёлнинг юзи ёруғ. Шу кунларда унинг тасарруфидаги мевазорларни бир кур айланган кишининг дили равшан тортади. Ернинг асосий қисмида олма, яна 2 гектар ерда олхўри боғи ташкил қилинган. Мухаббат Жумановага ўғиллари Шавакат ва Шерзод ишончли қанот, беминнат дастёр бўлишмоқда.

Хозир мевалар фарқ пишиб етилди. Олманинг айниқса "Боровинка", "На-

фис", "Жонатан" каби навлари баракали ҳосил берапти. Олхўри теримига ҳам киришилди. Фермер хозиргача Тошкент ва Фазалкентдаги консерва заводларига 5 тонна олма, 3 тонна олхўри етказиб берди. Меваларнинг сараси узок-якин агрофдаги деҳқон бозорларига ҳам юборилапти. Бу ҳали бошланғи. Негаки, теримга энди киришилди, ҳосил кўчи эса ниҳоятда баланд.

**Файрат ШЕРАЛИЕВ.**  
**СУРАТЛАРДА:** фермер Мухаббат Жуманова; боғда ҳамма учун иш топилади.

**Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ** олган суратлар.



## Болалар ёзи – 2008

### «БОЙЧЕЧАК»ДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

**«ЁШЛАР ЙИЛИ»** Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Россиянинг мамлакатимиздаги элчиҳонаси билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урди. Боқувчининг йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар болаларига элчиҳона Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқариш учун бепул йўлланма тақдим этди.

Энди болаларнинг 15 кун давомида Сумча қишлоғининг сўлим ўғашасида соғлиқларини тиклаб, дам оладилар. Бу вақт мобайнида улар жамғарма вилоят бўлимининг «AMBULANS» тиббий-патронаж гуруҳи шифокорларининг доимий назоратида бўладилар. Улар учун «Соғлом турмуш тарзи асослари» мавзусида суҳбатлар ташкил этилади. Спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда амалий санъат турлари буйича тўғарақларга қатнашадилар. Шунингдек, туман ёшлар ижодиёт маркази томонидан ташкил этиладиган қизиқарли бадий томошалар, концерт дастурларидан ҳам баҳраманд бўладилар.

Саид ҲАСАНОВ.

### ОРОМГОҲНИНГ КИНОТЕАТРИ БОР

«ҚИБРАЙ» оромгоҳи шу кунларда темирйўлчиларнинг ўғил-қизлари билан гаваҳм. Уларнинг мириқиб дам олишлари учун яратилган қулайликлар кишини қувонтиради.

Тошкент минтақавий темир йўл узели ва худудий қасаба уюшма кўмитасининг сай-ҳаракати билан оромгоҳда янги сузиш ҳавзаси бунёд этилди.

Болақайлар учун бу ерда катта экран ҳам ўрнатилди. Эндиликда бу мўъжаз кинотеатрда намойиш қилинган фильмларни ёш томошабинлар қизиқиш билан қарши олмақдалар.

Бундан ташқари павильонлар ўртасида ички телефон алоқаси йўлга қўйилди. Маънавият ва маърифат хонасига эса кўпгина наشرлар келтирилди.

Ақбар АЛИЕВ.

## КўНГИЛГА НУР, ДИЛГА СУРУР

**ВИЛОЯТИМИЗДА** халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами – Мустақиллик кунини олдиндан ўтказиладиган тadbирлар давом этмоқда. Бундай шодиёна юқоричирчиликлар учун алоҳида кўтаринкилик, жушқинлик бахш этди. Хусусан, Янгибозор шаҳарчасида уюштирилган файзли кеча кўнгилларга нур, дилларга

сурур бағишлади. Табиати хушманзара бўлган бу маконда меҳнатда донг тартган инсонлар яшайди. Истиқлол туфайли бугун ҳар бир соҳада катта ютуқлар кўлга киритилаётир. Ишни дундириб қўйган замондошларимиз билан учрашиб қолсангиз содда, лекин самимий суҳбатидан дилингиз яйрайди.



Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 17 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Янгибозорнинг маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тadbирдан бунинг яна бир қарра гувоҳига айландик.



— Бу йил туманимиз деҳқонлари галладан мўл ҳосил олиб, давлатга топшириш буйича йиллик шартномавий мажбуриятни ортиги билан бажаришди, — дейди Юқоричирчиқ тумани маънавият-тарғибот маркази раҳбари Уғилбой Қурбонова. — Мазкур тadbир ана шу қувончли палларини чинакам шодиёнага айлантди.



Таниқли санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Марьям Ихтиёрова, Пулат Носировнинг ҳар бир чиқишлари юқоричирчиликларга олаолам қувонч бахш этди. Шоирлар Темур Убайдулло, Нуриддин Аминжонов ҳамда Шавакат Туробнинг Ватан, Истиқлол ҳақидаги шеърлари кўпчиликка манзур бўлди.

**Учкун ҲАМРОЕВ.**  
**СУРАТЛАРДА:** тadbир лаҳзалари.

**Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.

2008 йил учун обуна давом этмоқда  
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг  
индекси - 205.

**ТҮЙТЕПА** шахри ва туман аҳли учун катта қулайлик яратилди. Яқиндан бошлаб Тўйтепа ва пойтахтнинг Машинасозлар автошохбкатлари маршрути буйича "Автосанкомплект" хусусий корхонасининг замонавий ISUZU автобуслари катнови йўлга қўйилди.

## АРЗОН, ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ

Хозирги кунда ушбу йўналиш буйича шу рўсумдаги 12 та янги автобус йўловчиларни манзилларига етказиб турибди.

Ҳар бир автобус қатнови орасидаги кутиш вақти 15 дақиқани ташкил этаётганлиги ва автобуслар тезорар маконда ҳаракатланаётганлиги йўловчиларга катта қулайлик яратаяпти. Энг муҳими, мазкур автобусларда йўлқира ҳақи бошқа турдаги транспорт воситаларидан анча арзонлиги барчани мамнун этапти.

Яқин кунлар ичида туман марказидан Тўйтепа қўргони йўналиши буйича ҳам автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

## 2008 йил – Ёшлар йили

### ЁШ ОРНИТОЛОГЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ

"БАЛАНД ТОҒ СИРЛАРИ" деб номланган иккинчи республика ёш орнитологлар экспедицияси Чотқол биосфера қўриқхонасининг Бошқизилсой участкасидаги биологик хилма-хилликни кузатиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди. Экспедиция "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Қушларни ҳимоя қилиш жамияти томонидан "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва республикамизнинг қатор табиати муҳофаза қилиш ташкилотлари кўмағида ташкил этилди.

Экспедицияда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро, Самарқанд ва Нукус давлат университетлари талабаларининг "Заргалдоқ", "Fleming", "Phasianus" ҳамда "Otus" қушлар ишқибозлар клуби аъзолари, шунингдек, ёшлар табиати муҳофаза қилиш ташкилотлари вакиллари ва қўриқхона ходимлари иштирок этди.

Чотқол биосфера қўриқхонаси – Ўзбекистоннинг эски қўриқхона худуди бўлиб, Фарбий Тянь-Шаннинг 35 минг гектардан ортиқ майдонини эгаллаган нобъ табиати табиий ҳолатда сақлаш мақсадида ташкил этилган. Қўриқхонада Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қўлаб нобъ турдаги ҳайвонлар ва қушлар яшайди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари да-ражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмининг жорий этиш, мамлакат иқтисодий-ти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳолашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устам ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармонида мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорда, жами эса 1,5 баробарга оширишни на-

зарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шaroитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тadbирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларини;

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилган Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2008 йил 24 июль.**

**И. КАРИМОВ.**

Экспедиция давомида қушларнинг 75 тури аниқланди. Улар орасида қора қалқат, бургут, болтаютар, митти бургут, оқ кўмай химояга муҳтож.

Чотқол қўриқхонаси қушлар ишқибозлари бўлган талабалар томонидан тadbирот ўтказилган иккинчи орнитологик худуд ҳисобланади. Ёш тadbиротчилар экспедиция натижалари буйича қўриқхона раҳбариятига қўриқланаётган ва чегарадош худудлардаги вазият тўғрисида батафсил ҳисобот тақдим этилди. Кузда эса ушбу ҳисобот асосида олий ўқув юртиларида ёшлар орнитология ва экологик-сайёҳлик конференциялари ўтказилди.

Бу каби ёшлар тadbирот экспедициялари 2004 йилдан буюн ўтказиб келинади. Уларнинг ташкил этилиши мамлакатимиз олий ўқув юртиларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларда жо-нажон ўлкамиз, унинг химояга муҳтож нобъ табиатига муҳаббат туғулисини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган катта ишларнинг бир қисми, ҳолос.

Ў.А.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримовнинг шу йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга таъйирига кўра..."

Х. Мирсолиҳов кўчасида янгидан барпо этилаётган темир йўл кўприги ана шундай объектлардан бири. Утган асрнинг дастлабки йилларида қад рости...

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Кўприққурилиш" трести ишчи-хизматчилари бунёд этаятган замонавий кўприқнинг узунлиги 45, эни 18 метр. У эни олти метрлик ҳаққа пидедалар йўлагини ҳам ўз ичига олади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур кўприқ қурилишида уч 9 нафардан кўпроқ малакали йўлсоз ва кўприқсоз икки сменада меҳнат қилмоқда.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТ Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай халқнинг бугунги ҳаёти ва келажакдаги унинг маънавияти белгилайди. Шу боисдан ҳам мониторинг тартибда ўтказилган "Ўзбекистон фуқароларининг маънавий-маърифий қадриятлари" мавзудаги ижтимоий тадқиқот "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази амалга ошираётган асосий ишлардан бири ҳисобланади.

Ҳаётнинг бундан бундан мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу сўровлар мустақиллик йилларида мамлакатимиз фуқароларининг дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий онгининг ўсишини аниқлаш имконини бераётди.

Охири сўров маълумотларига кўра, Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти (73,1 фоизи) шахснинг камол топишида умуминсоний қадриятлар шаклланиши жараёнида юксак маънавий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, сажийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар кирди. Сўралганларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, Ватанга муҳаббат, суверенитет, ватанпарварлик, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик каби демократик ҳаққа сиёсий қадриятларни умуминсоний тушунчалар билан уйғун ҳолда кўради. Бундан ташқари, сўралганлар шахс камолотида маданият, санъат ва диний қадриятлар, шунингдек, саломатлик, муҳаббат каби ҳаётий қадриятлар катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг аксариятининг фикрича (86,7 фоиз), қадриятлар тизими асосини авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий аниҳа ва урф-одатлар ташкил қилади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижасида Ўзбекистон аҳолиси умуминсоний ва миллий қадриятлар шахснинг маънавий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқдир, деган фикрда этакки аниқланди. Тадқиқот натижалари меҳмондўстлик ва дўстона муносабат, меҳр-

мурувват ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва камтарлик, катталарни ҳурмат қилиш каби юртдошларимизга хос бешта устувор маънавий хислатни аниқлаш имконини берди. Ҳозирги янги демократик ҳаёт ва бозор иқтисодиёти барпо этиш шароитида

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР - УЛКАН БОЙЛИК

одамлар, айниқса аҳолининг фаол қисmini ташкил этадиган ёшларнинг маънавий дунёқарашида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, ёшлар билан олишига интилиш, меҳнат қилиш истаги, тадбиркорлик каби шахсий хислатларга катта эътибор бермоқда. Уларнинг бундай эзгу мақсадлари ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўзини керакли деб ҳисоблаш ва мамлакат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш каби олижаноб интилишларда намоён бўлмоқда.

Сўров мамлакатимиз аҳолиси онгу тафаккурда миллий қадриятлар ва инсонпарварликдек олиқ мақсадлар мустаҳкам қарор топганини кўрсатди. Фуқароларимиз учун, яшаш жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти ва моддий аҳолидан қатъи назар, ўз оиласи, фарзандлари, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, саломат-

лик, фаровонлик, меҳнат ва таълим уларнинг ҳаётий позициясини белгиловчи устувор қадриятлар ҳисобланади. Кейинги бир неча йилда ўтказилган сўровларнинг қиёсий натижалари Ўзбекистон фуқароларининг аниқ бир мақсадга интилувчанлик даражаси нафақат юқори эканлигини, балки янада юксалиб бораётганидан далолат беради. Масалан, 2005 йилда сўралганларнинг 91 фоизи ҳаётда ўз олдига қўйган аниқ мақсади борлигини қайд этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 92,2 фоизга ташкил қилди. Улар оила қуриш ва муносиб ёш авлодини тарбиялашни, ижтимоий

ижтимоий кайфиятида келажакка бўлган ишонч юқорлигидан далолат беради. Сўров катнашчиларининг фикрига кўра, бундай ишонч истиклол йилларида мамлакатимизда инсоннинг ўз салоҳиятини тўлиқ рўйга чиқариши, ўз манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун шарт-шароитлар мунтазам яшланиб бораётгани билан боғлиқдир. Халқ фаровонлигини оширишга қаратилган стратегик ислохотларни мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қўллаб-қувватлайди.

Тобора ривожланиб бораётган жамиятимизда меҳнатнинг маънавий-ахлоқий аҳамияти ортиб бормоқда. Аҳолининг асосий қисми меҳнатни нафақат пул ишлаб топиш йўли, балки асосий ҳаётий қадриятлардан бири сифатида қабул қилади. Бунда меҳнат қилиш (жамият ва одамларга фойда келтириш) ҳамда унинг мазмун-моҳияти катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг фикрича, ҳаётда муваффақиятга эришиш учун аввало, катта маҳорат, меҳнат қилиш иштиғи (бошқа мутахассисликка эга бўлиш қобилияти) ва зарур маълумотга эга бўлиш даркор.

Фуқароларимизнинг аксарияти Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ҳамда уларни рўйга чиқаришда иштирок этишга тайёр. Жамиятда ватанпарварлик, давлат ишларига дахлдорлик туйғуси тобора юксалиб бормоқда. Одамларда ўз мамлакатига ва унинг муаммоларини ҳал этишда шахсий масъулият ҳисси, Ўзбекистон халқини муносиб ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш зарурлигини тушуниш даражаси ортиб бормоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Ў.А. МУХБИРИ А. ИВАНОВА тайёрлади.



ГАП ҲАМЖИҚАТЛИКДА

ВАТАН маҳаллада бошланади, дейишди. Бу бежиз айтилмаган. Зеро, маҳалла обод бўлса, юрт обод, маҳалла фаровон бўлса, демократик мамлакат фаровон. Шу боис ҳам республикамизда маҳаллий бошқарув идоралари фаолиятга жиддий эътибор қаратиб келинаётир. Вилаетимизда ҳам бу масала кун тартибидан тушмаётди. Яқинда маҳаллалар фаолияти билан танишиш мақсадида Паркент туманида бўлими фаоллари йиғилишининг устидан чиқдик. Андиқорги «Маҳалла» хайрия жағғармаси туман бўлими фаоллари йиғилишининг устидан чиқдик. Одатда бундай пайларда Тошкентдан мухбир ўтирипти деб, айрим камчиликлар енг ичига яширилиб, фақат мактублар тилга олинади.

Бундан ундай бўлмади. Камчиликлар ҳам, ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам рўй-рост айтиб ўтилди. Маҳаллалар ободончилиги ва раванқлиги йўлида олиб борилаётган ишлар кенг муҳокама этилди. Кам таъминланган оилаларни муҳофизат қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшлар, ёлғиз, қаровсиз кексаларни қўллаб-қувватлаш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилиш сўнгиде «Маҳалла» хайрия жағғармаси туман кенгашининг раиси Дилмурод Нурматов ҳар бир маҳалла оқсоқолига алоҳида вазифалар белгилаб берди. Тадбир тугагач, биз жағғарма раиси билан галдаги ишлар ҳақида батафсил суҳбат қурдик.

Бугунги кунда Паркентда 50 та маҳалла бор. Уларда турли миллат вакиллари тинч ва тотув яшаб келаятир, - деди Дилмурод Нурматов. - Ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Ҳозирги кунда туманимизда 3985 та ёш оила бор. Ёшлар орасида кам таъминланган, ишсизлар ҳам топилади. Мақсадимиз - уларнинг рўзғорини яхши қилишга ёрдам кўрсатиш. Яқинда ана шундай оилаларга 300 та ситир берилди. Шу кунларда яна қўшимча 186 та кам таъминланган оилаларга ситир улашмоқчимиз. Касаначилик асосида кичкина цехлар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Ишсиз хотин-қизларимиз учун тикувчилик цехларини очилишга алоҳида эътибор бераётимиз.

Касб-унар коллежларини битирган йигит-қизларни иш билан таъминлаш ҳам назардан четда қолмаётди. Шу йилнинг беш ойи давомида 400 нафарга яқин йигит-қизлар Тошкентдаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, Тўйтепадаги енгил санаят қўшма корхонасига ишга жойлаштирилди. Қишлоқларимизда ободонлаштириш ишлари эътиборда. Хуллас, оддий одамлар ҳар соҳада маҳалланинг ўрни борлигини сезишаёпти.

Маҳаллалар фаолияти билан танишар эканмиз, бир ҳолат диққатимизни ўзига тортиди. Гап шундаки, «Паркент тонги» туман газетаси ўз саҳифаларида тумандаги ҳар бир маҳалла тарихи, ўндаги танқили кишилар, қизик воқеалар ҳақида туркум макталар бериб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

Туманимиздаги ҳар бир маҳалланинг ўз тарихи бор, - дейди муҳаррир ўринбосари Тўйи Дусматов. - Масалан, «Обқувоз» деган маҳалламиз бор. Марказга қараб туриб, йўл ёқисида жойлашган бу маҳалла бир пайлар ўзининг сув тегирилари билан жуда машҳур бўлган. Паркент атрофларида тегириллар кам бўлгани боис кўпчилик деҳқонлар ўз шолисини шу ерда оқлатар экан. Ҳозирги кунгача айрим сув тегириллари сақланиб қолган.

Биз «Обқувоз» маҳалласи билан яқиндан танишишга ошдик. Йўл ёқаларида экидан тарақлар анча бўй қўзиб қолган. Атроф озода, аяқлардан оқаётган зилот сувларни кўриб кўнгил яшанга кетади.

Маҳалламиз туман марказида жойлашганлиги тугайли доим эътибордаимиз,

дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожиқон Йўлдошева. - Бу ерда 277 хонадон истикомат қилади. Турли миллатта мансублигига қарамай жуда инोक яшади. Маҳалламизда кам таъминланган оилалар кам бор. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Ана шу мақсадда яқинда 4 нафар кам таъминланган оилаларга ситир бердик. Уйда ўтириб қолган хотин-қизларимиз учун тикув цехи очдик. Ҳозирда бу ерда 30 нафарга яқин аёл иш билан банд. Яна маҳалланинг ўзиде бир қатор маиший хизмат кўрсатиш бўлиmlари ҳам очганмиз. Ёш оилалар ҳамма бизнинг диққат-эътиборимизда. Яқинда 7 та ёш оиланинг уй-жой қуриш мақсадида кредит олишга ёрдамлашдик. Бунда бизга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши яқиндан ёрдам кўрсатди. Маҳалламизда ёшларнинг спортга жалб этишга ҳам катта аҳамият қаратаётимиз. Шахмат, шашка, баскетбол каби спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказдик. Бу тадбир болаларимиз учун унутилмас бир воқеага айланди десам, муболаға бўлмайдми. Хуллас, маҳаллада бир бутун, ягона оила бўлиб яшаб келаятирми. Муаммолар ҳам йўқ эмас, уларни қўллашнинг барқарорлиги таъминлади. Яқинда аҳолига теза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 4 километрлик масофада қувур ётқизиб, ичимлик суви келтирдик.

Тожиқон Йўлдошева ҳақиқий ишбилармон, маҳалланинг жонқуяри эканлиги шундоқкина кўриниб турарди. Аёл бўлса ҳам унча-мунча эркакларга иш ўрғатадиган тадбиркор раҳбарга ҳавасимиз келди.

Улугбек ҲАМРОҚУЛОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: Тожиқон Йўлдошева маҳалла фаоллари билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Қишлоқ ва ислохот

Ўзбекистон - жаҳон ҳўжалик муносабатларида фаол иштирок этаятган йирик қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Мамлакатнинг экспорт кўрсаткичлари, жумладан, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиш соҳасида ҳам, йилдан йилга ортиб бораётди. Экологик тозалик ва ҳавфсизлик бугунги кунда ушбу турдаги маҳсулотларга қўйилаётган асосий шартлардан биридир. Шу боис деҳқонлар дала ва боғларда етиштирилаётган маво-сабзавотлар ушбу талабга жавоб беришидан манфаатдор.

ЭНТОМОФАГЛАР - ДЕҲҚОНЛАР ЁРДАМЧИСИ

Мамлакатимиз олимлари эса саховатли заминимизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг экологик ҳавфсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда. Тошкент давлат аграр университети мамлакатимиздаги етакчи ўқув юртилардан бири ҳисобланади. Айни пайтда университет янги технологиялар ва агротехник услубларни яратиш ҳамда синаб кўриш учун самарали илмий ва ишлаб чиқариш базасига эга. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ меҳнаткашларига юқори ҳосил олишда ҳаражатларни камайтириш ва жаҳон бозориде рақобатбардор, юқори сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш имконини беради.

пийлар нафақат ўзининг юқори иқтисодий кўрсаткичлари, балки фойдаланишда осонлиги ва қўлайлиги билан акрალიб туришига интиломоқда. Масалан, бугунги кунда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш воситаларига талаб катта. Негаки, ушбу воситалар бир томондан, атроф-муҳит ва етиштирилаётган маҳсулот учун ҳам ҳавфсиз, иккинчи томондан уларни қўллаш ушбу мақсад учун мўлжалланган катта миқдордаги турли кимёвий моддалар ҳамда бирикмаларни тежаб қилиш имконини беради. Биологик ҳимоя воситалари - бу ўсимликларни қўллаб зарарку-нандалардан ҳимоя қиладиган энтомофаглар, яъни фойдали ҳашаротлардир. Ушбу воситалар орасида энг кенг қўлланиладиганлари тилакўз, бракон, трихограмма ҳисобланади. Университет мутахассислари тилакўз ва браконнинг тез кўпайиши ҳамда уларни ҳисоблаш учун ўзига хос мослама яратди. Мосламанинг ишлаш тартиби ниятда оддий. Масалан, ҳашаротларни ҳисоблаш учун мослама таркибига чирок, микросхемили фотоэлемент, энтомофаглар сақланадиган камера, оддий уч литрик банка, уларнинг сонини қайд этиладиган табло кирди. Мум қиёсини кўпайтирадиган қурилма ва бошқа ишланмалар ҳам оддий ишлаш принципларига асосланган.

Бугун университет мамлакатимиздаги қўллаб биологизацияларни ушбу биологик ҳимоя воситалари билан таъминламоқда. Улар эса, ўз навбатида, фермерларга керакли миқдордаги энтомофагларни етказиб бермоқда. Она табиат ш тарихи қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши табиий уйғунлаштириш, унинг умумдорлигини ва экологик ҳавфсизлигини ошириш учун барча воситаларни инъом этмоқда.

Ў.А.

Савол беринг, жавоб берамиз.

ИЖАРАГА ОЛИШ ҚОИДАСИ

Туманимизда анчадан бўён ишламай ётган бир кичик корхона бор. Мен шунини ижарага олиб, мебель ишлаб чиқармоқчиман. Бунинг йўл-йўриги қандай ҳамда қонуний томондан қай тариха расмийлаштирилади?

Илҳом ТЕМИРОВ, Бекобод тумани.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиде корхонани ижарага бериш шартномаси, ижарага бериш шартномасининг шакли ҳусусида мусасал аниқ фикрлар келтирилган. Аввало шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирда мамлакатимизда мавжуд бўлган корхоналарни ижарага бериш, корхонага вақтинча эгаллик қилиш, ижарачи сифатида ундан фойдаланиш одат тусига кириб бормоқда. Бу ҳам бўлса, давр талаби тақозо этаётган жараёндир. Аммо корхонани ижарага бериш шартномаси қонуний тарзда

тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 579-моддасида шундай дейилади: "Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан муқассас".

Яна шунини унутмаслик лозимки, қонунда белгиланганидек, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шугулланиш учун махсус рўхсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи ҳар қандай вазиятда ўз корхонасини ижарага берган бўлса-да, кредитдорлар олдидеги тегишли мажбуриятлардан озод этилмайди. Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тўзилади ва у нотариал ҳуқуқлангирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Гулзира ШАРИПОВА, нотариус.

МАВСУМДАН СЎНГ ҲАМ ИШ БОР

«ЎРТАЧИРЧИК туман машина-трактор парк» акциядорлик жамияти жамоаси туман галлакорларининг ҳосилни нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишларида астойдил каморбаста бўлдилар. Мавжуд 12550 гектар майдондаги бугунги ўриб-йиғиб олишга 34 та юқори унум билан ишловчи комбайн жалб этилди. Айниқса, "Класс" ва "Кей" русумли комбайнларнинг иши унумли бўлди.

Маъмур Бозоров, Шухрат Олтишев сингари операторларнинг, Нуриддин Искандаров, Умар Улуғхўжаев, Зоҳир Раҳмонбердиев, Раҳим Шарофидинов, Саидахмад Саидазимов, Илҳом Жалолов каби муҳандис, пайвандчи, чилангарларнинг ғайрат-шижоати тугайли 23 иш кунинда туманда галла тайёрлаш шартномавий режаси муваффақиятли удаланди.

Ишининг бир маромда, ушқоқлик билан ташкил қилиниши, техникаларнинг узлуксиз ишлаши кўлга киритилган ютуқнинг асосий омил бўлди. Корхона жамоаси йил бошидан бўён лизинг асосида 2 та "Класс" русумли комбайн олиб келган



Ашурали БОЙМУРОВОВ. СУРАТДА: МТП раҳбари (ундан иккинчи) Тоҳир Бозорбоев операторлар билан суҳбатда.

ФЕРМЕРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Юқоричирчиқ туманида фермер ҳўжаликларида ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг ҳақдорлигида Юқоричирчиқ туманининг "Зулайхо Илҳом" фермер ҳўжалигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақал-

қўздан кечирди. Семинарда мулк соҳиблари фермер ҳўжаликларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, дала меҳнаткашлари учун яратилган шароит ва улар билан тузилган шартномаларни расмийлаштириш борасидеги ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Ў.А.

БЕЖИРИМ ошхона ашёлари - қошиқлар, пичоқлар, санчиқлар, қасқон, самовар... Улар зангламай-диган металлдан ясалган.

РЎЗҒОР БЎЮМЛАРИ ХАРИДОРГИР

"Ўзбекиммемаш" очик акциядорлик жамияти кенг истеъмол маҳсулотлари цехида йил бошидан бўён 200 миллион сўмлик яқин ана шундай бўюмлар ишлаб чиқарилди. Олти ойлик мўлжалдаги режа ошириб бақариди. Бу сифатли ошхона ашёлари ички ва ташқи бозорда ниятда харидоргир бўляпти.

Юсуф ЖУМАЕВ.

# ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗИ!

### Тошкент вилоят адлия бошқармаси вилоятнинг Зангиота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозими учун танлов эълон қилади.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан куйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Малака комиссияси номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
- охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2008 йил 22 августгача Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Мурожаат учун манзил:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.  
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

# ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗИ!

### Тошкент вилоят адлия бошқармаси вилоятнинг Ангрэн шаҳридаги 1-сонли ва 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси лавозимлари учун танлов эълон қилади.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан куйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Малака комиссияси номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
- охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2008 йил 8 августгача Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Мурожаат учун манзил:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.  
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 2005 йил 3 октябрда "PAZAVOTRANSTEXMARKAZI" қўша корхонасига Тошкент шаҳри, Юнусовда тумани, Оғоронда кўчаси, 42-уй манзили бўйича берилган 9202887080 рақами ер қадстр ҳужжати ҳамда 7-467/2005 реестр рақами бинога тегишли бўлган қадстр ҳужжати йўқлигини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2005 йилда Мирзав Рашид Мирзиёвич номига берилган В № 228518, рўйхат рақами № 08589 бўлган диплом йўқлигини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утвременно удостоверение, выданное Ташкентской городской коллегией адвокатов на имя адвоката Петриченко Людмила Николаевна (лицензия № 000369), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утвременно гос. ордер № 00-21/7031 от 16.08.93 г. права собственности на квартиру Полякова Леонида Константиновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан "Буёқ Турон Транс" МЧКга тегишли, ISUZU русуми, давлат рақами 11 АУ 332 автоуловига берилган АТ № 0001024 лицензия варақиди йўқлигини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 28	СЕШАНБА 29	ЧОРШАНБА 30	ПАЙШАНБА 31	ЖУМА 1	ШАНБА 2	ЯҚШАНБА 3
<b>O'ZBEKISTON</b> 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.50, 22.55 «Икким» 7.05, 23.15 «Икки тақдир» 7.45 «Дилхуш наволар» 8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот» 8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос» 8.40, 18.05 «Умр манзаралари» 9.25 «Ортим бўйлаб» дастури: «Евоий табиат тилими» 9.30 «Болалар дунёси» 9.30 «Миллат» Б/Ф 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот» 11.10 «Ватанпарвар» 13.00 «Уршаву» Б/Ф 14.25 «Олам ва одам» дастури: «Француз калъалари» 15.15 «КиноТел» 15.40 «Денгиздан томи» 16.15 «Имомат Тарихий» Д/Ф 16.35 2008 йил – Ёшлар йили. «Камолот остида» 17.00 «Ортим бўйлаб» дастури: «Тупрокдаги муъизза» 17.40 «Эрталар – яшилликка етаклар» 18.00 «Сизнинг адвокатингиз» 18.05 «Умр манзаралари» Т/С 18.45 «Бир кун» 19.10 «ТВ шифокор» 19.15 «Охонлар оғушида» 20.10 «Ҳаёт синовлари» Т/С 21.00 «Мухаббат ва эхтирос» 21.50 «Мухаббат ва эхтирос» Т/С <b>YOSHLAR</b> 16.55 «Ватан меҳри» 17.00 «Еш оилага эйтибор» 17.15 «Тўй либралари» 17.30 «Нафосат олами» 17.40 «Онажон Тошкентим» 17.45 «Матонат» 18.00, 21.05 «UzEX хабарлари» 18.05 «Шарқ гавҳари» 18.10 «Навойи» Т/С 18.40 «Миллий мерос» 18.55 «17 ёшинг муборак!» 19.00, 22.00 «Давр» 19.30 «Июнь оқшоми» Т/С 20.10 «Темурхон наслига» 20.15 «Келажак эгалари» 20.25 «ТВ-банк» 20.35 «Тошкент-2200» 20.40 «Ёшлар илҳами» 21.00 «Тошкент оқшоми» 21.10 «Жумонг» Т/С 21.50 «Телетўхфа» 21.55 «Ҳаёт кўзуси» 22.30 «Истиклол саодати» 23.00 «Севилганлар» Т/С 23.35 «Орт тинчилиги» <b>SPORT</b> 17.55 М/ф «Денгиз итлари» 18.05, 21.50 «Телекўрар-маркет» 18.25 «Биласизми?» 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» 18.50 «Эсмеральда» Т/С 19.20, 20.15 «ТВ юрист» 19.25 Музыкаи SMS. 19.50 «Будьте здоровы» 20.20 «Милларос» Т/С 20.50 «Интервью» 21.00 «Жозоба» 21.45 «Уйларим» 22.10 «Аён қалби» 22.45 «Кино SMS со звездами» 22.50 Х/ф «Укол зонтиком» <b>SPORT</b> 7.00 «Бодро утро» 8.00 «Талкин» 8.25 «Малахов +» 9.15, 18.00 Мультифильм. 9.30 «Версия» 10.00 «Морозов» Серил. 10.50 Велоспорт. 18.15 «Тет-а-тет» 18.30, 21.30 «Хабарлар» 18.50 «Жди меня» 19.40 История Олимпийских игр. 20.50 «Меҳмонимиз «Барселона»» 21.20 «Бизнес ревью» 21.50 «Формула-1» 22.40 «Три» Х/ф. 00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!» <b>Марказ</b> 7.00, 10.40, 13.30, 18.00, 20.10, 21.05 Узбек наволари. 8.00, 15.00, 18.30 Серил «Жасига ухшай йўк» 8.30, 17.00 Мировые хиты. 9.00 Prime time. 9.30, 19.00 Серил «Хонаки эрак» 11.30 «Ночь в музее» Х/ф. 14.30 «Премьера» 15.30 «Властелин колец. Две крепости» 17.30 «Кинокўрар» 20.30 «Топ-10» 21.30 Серил «24 часа» 22.20 Комедия «С глаз долой, из чарта воя» 00.20 Миксер. <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 10.55, 13.25, 15.50 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Друзья моего хозяина» 11.45, 16.40 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» 18.20 Серил «Саваж» Собир Рахимов тумани хожияти томонидан Бурханов Кутлиддин Зухриддинович номига берилган 0505314 сонли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқлигини сабабли <b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b> <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «В интересном положении» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Иностранная кухня» 11.20, 16.15 «Детский доктор» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Иностранная кухня» 11.20, 16.15 «Детский доктор» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.20, 16.15 «Спросите повара» 11.45, 16.40, 18.20 Серил «Саваж» 12.10, 18.45, 21.40 «6 кадров» 13.00, 22.05 Музыкаи. 15.05, 19.20 Серил «Дочки-матери» 17.05, 21.15 «Истории в деталях» 17.55 «Галileo» <b>СофтС</b> 8.00, 20.25 Серил «Кадетство» 8.50, 12.35, 17.30, 20.00 Серил «Паллины дочки» 9.15, 13.25 «Мир в твоей тарелке» 10.05, 14.15 «Двое» 11.2						

